

Лойиҳа-смета хужжатларини  
**ШАРТНОМАСИ** (контракт) № 83

Иншоот:

**Қарши шаҳри И.Каримов кўчасидаги Вилоят Спортини ривожлантириш  
бошқармаси худуди (308-уй)да машғулот зали биносини қуриш бўйича  
лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш**

**Буюртмачи: Қашқадарё вилоят Божхона бошқармаси**

**Бажарувчи: «GRAND ARCH - RPROJECTS» МЧЖ**

Карши. - 2022 йил

№ 83 - сонли

Лойиха-смета хужжатлари тузиш шартномаси

« 03 » июн 2022 йил

Карши ш.

Келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Қашқадарё вилоят Божхона бошқармаси номидан бошқарма бошлиғи **З. Турдалиев** бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган ва Устав асосида фаолият кўрсатадиган «**GRAND ARCH - PROJECTS**» МЧЖ унинг директори **И. Тилавов** иккинчи томондан, **Қарши шаҳри И.Каримов кўчасидаги Вилоят Спортини ривожлантириш бошқармаси** худуди (308-уй)да машғулоти зали биносини қуриш бўйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш бўйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш учун пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни

- 1.1. “Буюртмачи” топшириғига асосан “Бажарувчи” **Қарши шаҳри И.Каримов кўчаси 308-уй** худудидаги машғулоти зали биносини қуриш бўйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш лойиха-смета хужжатларини тайёрлашни ўз зиммасига олади.
- 1.2. “Бажарувчи” лойиха ишларини “корхона, бино ва иншоотлари қурилишига лойиха-смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш” ҳақидаги **ШНҚ 1.03.01-03**, “Қурилишда жорий шартномавий баҳоларни аниқлаш тартиби” тўғрисидаги **ШНҚ 4.01.16-04** ва лойихага қўйиладиган меърий талабларни қоида ва қўлланмалар асосида бажарилишини таъминлайди.
- 1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талабларни бажариш лойиҳалаш топшириқномасида кўрсатилади.
- 1.4. Ишларнинг бажарилиш муддати танлов баённомаси асосида белгиланади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 1.5. “Бажарувчи” махсус лойиха ишларига ёрдамчи Бажарувчи ташкилотлар билан қўшимча шартнома тузишга ҳақлидир. Қўшимча шартномаларни тузиш “Бажарувчи”нинг зиммасига юклатилган мазкур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарлигидан озод этмайди.
- 1.6. Хўжалик шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.


### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### а) “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари

- 2.1. “Бажарувчи” “Буюртмачи” томонидан берилган лойиҳалаш топшириқномаси ва архитектура режалаштириш топшириқномаси асосида лойиҳа ишларини бажаради.;
- 2.2. “Бажарувчи” мазкур шартнома бўйича бажарилган ишларни “Буюртмачи”нинг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.
- 2.3. Лойиҳа ишларини бажарилишини танлов баённомасида кўрсатилган 10 муддатда таъминлайди;
- 2.4. “Бажарувчи” томонидан тайёрланган лойиҳа асосида ҳисобланган сметадаги физик иш ҳажмлар, материал ресурслар миқдори тўғрилиги (лойиҳага мослиги) учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ва ойма-ой бажарилган ишлар тўғрисида “Буюртмачи”га келишилган жадвал асосида ҳисобот топшириб туради.
- 2.5. ШНҚ 1.03.07-2010 “Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида Низом” талаби асосида бажарувчи томонидан иншоотда қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ечимларига мувофиқлиги устидан муаллифлик назоратини олиб боради.

#### б) “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- 2.6. Бажарувчига иш ҳажмларини бажарилишига керакли архитектура режалаштириш топшириқномасини тақдим этади;
- 2.7. Бажарилган лойиҳа ишларидан шартномада кўзда тутилган мақсадда фойдаланади;



2.8. Бажарувчи томонидан бажарилаётган лойиха ишлари ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини кузатиб боради;

2.9. “Буюртмачи” маблағ билан таъминловчи ташкилотларга бажарилган лойиха ишларининг хажми тўғрисида ҳисоботларни ўз вақтида топширилишини таъминлайди.

### **3. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3.1. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар танлов савдоси натижасида аниқланган ва электрон танлов баённомаси билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни (ҚҚСни инobatга олган ҳолда) ўз ичида олган ҳолда жорий нархларда 148 500 000 (бир юз қирқ саккиз миллион беш юз минг) сумни ташкил этади.

3.2. “Буюртмачи” “Бажарувчи” ни мазкур шартнома бўйича олдиндан 30 фоиз миқдорида бунак (аванс) маблағлари билан таъминлайди. Белгиланган маблағлар билан таъминлаш “Буюртмачи” ни шу мақсадлар учун тегишли органлар (вилоят Божхона бошқармаси) томонидан молиялаштирилгандан кейин 10 кун муддатда амалга оширилади. Бажарилган ишлар учун молиялаштиришнинг қолган қисми мазкур ишлар сифатли қилиб бажарилиб далолатномалар асосида қабул қилингандан кейин босқичма-босқич амалга оширилади.

3.3. “Бажарувчи” томонидан ишлаб чиқилган қурилишга сарфланадиган моддий техника ресурслари миқдори ва қурилиш муддати узил-кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди, айрим ҳоллар бундан мустасно, яъни:

3.3.1. Ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш қиймати ва муддатини ўсишига ёки шу параметрлардан бирига бартараф этиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор ҳолати) сабаб бўлса.

3.3.2. “Буюртмачи” томонидан иш ҳажмларига ўзгартириш киритилганда.

3.3.3. Ишларни бажариш, хизмати кўрсатиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда.

3.3.4. Лойиха-смета бўйича ҳажмга ўзгартириш киритилганда шартнома қийматига ўзгартириш қўшимча келишув тузиш билан йўл қўйилади.

3.3.5. Асослаб берилган ҳолда, юқорида қайд этилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасида қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишлар ШНК 1.03.01-03 ва “Буюртмачи” томонидан тасдиқланган лойихалаш топшириқ талаблари асосида қабул қилинади.

4.2. “Бажарувчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 2 та нусхада лойиха смета ҳужжатлари комплектини тақдим этади.

4.3. “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2.- бандида кўрсатилганидек, топшириш-қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларида бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Бажарувчи” га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.4. Бажарилган ишларини топшириш-қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларни ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. “Буюртмачи” ушбу ҳолатда “Бажарувчи” га амалда бажарилган лойиха ишининг ҳаражатларини мазкур шартноманинг 3.3.2 ва 3.3.4 бандларига асосан амалга оширади.

### **5-модда. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Тўлов талабномасини асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (Газначилик бошқармасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив қўймаслик ва хоқозо) учун, “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган суммасининг

0.04 фоиз ҳажмида “Бажарувчи” га жарима тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

5.2. “Буюртмачи” олган мажбуриятини бузганлиги учун мазкур шартноманинг 4.3 моддасига асосан у “Бажарувчи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,04 фоиз ҳажмида жарима тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

5.3. “Бажарувчи” ишларини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,05 фоиз ҳажмида жарима тўлайди. Аммо бунда умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Пеня тўлаш шартнома (контракт) мажбуриятини бузган томонни кечиктириб бажарган иши ёки кўрсатган хизмати оқибатида келтирилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.4. “Бажарувчи” томонидан тайёрланган лойиха смета хужжатларида нуқсонлар (тайёрланган смета хужжатларидаги иш хажмларини лойихага мос келмаслиги) аниқланса “Бажарувчи” камчиликларни ўз хисобидан тўғриланишини таъминлайди ёки тақдим этилган лойиха смета хужжатларида қўпол хатоликларга йўл қўйилган бўлса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

5.5. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс-мажор) ҳоллар юзга келса, томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига суянадилар.

5.6. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, “Буюртмачи” бажарилган ишларга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли. “Бажарувчи” дан сифатга жавоб бермайдиган иш қийматининг 0,5 фоизи пеня жарима ундиришга ҳақли, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Жарима ҳисоби тўлов талабномаси банк муассасига сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган бажарилган ишлар ҳақида далолатнома тузилганидан кейин 10 кундан кечикмай тақдим этилиши лозим. Жарима ҳисоби тўлов талабномаси белгиланган 10 кунлик муддатни бузган тарзда тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.


5.7. «ШНК 1.03.01-03»нинг 1.13 бандига асосан иншоотнинг лойиха-смета хужжатларида қабул қилинган техник иктисодий ечимлар, физик иш хажмларининг тугрилиги ва қурилиш материаллари учун қулланиладиган бирлик нархларининг тугрилиги ва ҳаққонийлиги учун Лойиха ташкилоти тулик жавоб беришлари, агарда қурилиш ишларига тендер савдолари ўтказилгандан сунг қурилиш жараёнида лойиха хужжатларида аниқланган хато ва камчиликлар қиймати аниқланса, ушбу камчиликларни тугрилаш учун кетадиган барча харажатлар лойиха ташкилотлари томонидан тулик копланилади.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9. Томонлар уртасида низолар ва келишмовчиликлар юз берган ҳолатларда жавобгар томон жойлашган ҳудуддаги хужалик судига мурожаат қилинади.

## **6. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)**

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабаблар содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома (контракт) ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома (контракт) бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.



Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” ишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 2 ой мобайнида бир тўхтама кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### 7. Қўшимча шартлар

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

#### 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзолангандан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

8.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

#### 9. Низоларни ҳал этиш тартиби ва ҳуқуқий экспертизаси

9.1. Шартноманинг мазмуни уни тузишга тайёрлаш жараёнида юридик хизмат субъектлари ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонунчиликка мувофиқ келиши текширилган бўлиши даркор. Уларнинг имзосиз ёки ҳулосасиз шартнома тузилишига йўл қўйилмайди.

9.2. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келган баҳслар қонунчиликда белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан қараб

#### 10-модда. Томонларнинг реквизитлари

##### Буюртмачи:

**Қашқадарё вилоят Божхона бошқармаси**

Манзили: Қарши ш.А.Навоий кўчаси 3а уй  
Тел. 75 221-14-18

х/р 20203000600193844001

МФО 00401 ИНН 201998041

Тошкент ш. АТ “Алоқабанк” бош офиси

##### Бажарувчи:

**“GRAND ARCH-PROJECTS” МЧЖ**

Манзили: Қарши ш. И. Каримов кўчаси 118а-уй

Тел: +998

х/р 20208000805448757001

АЖ “Асакабанк” Қарши филиали


МФО 00194 ИНН 308 952 305

ОКОНХ

Бошқарма бошлиғи:  **З. Турдалиев.**

Директор:

**И. Тилавов.**



Хуқуқшунос: \_\_\_\_\_

## ИШЛАРНИНГ КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси топшириғи билан,  
Қарши шаҳри И.Каримов кўчаси 308-уй ҳудудидаги машғулот зали биносини қуриш  
бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш.

2022 йил «03» шоч даги № 83 -сонли шартномага илова

№	Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг ва асосий босқичларнинг рўйхати	Бажариш муддати		Босқичларнинг ҳисоб қиймати йиғиндиси
		Бошланиши	Яқунланиши	
1	2	3	4	5
1	Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш	<u>03 шоч</u> 2022 й	<u>23 шоч</u> 2022 й	148 500 000
	<b>Жами:</b>			148 500 000

148 500 000 (бир юз қирқ саккиз миллион беш юз минг) сўм

“БУЮРТМАЧИ” номидан

Бошқарма бошлиғи:  З. Турдалиев.



“БАЖАРУВЧИ” номидан

Директор:  И. Тилавов



2022 йил 03 июн даги  
83 -сонли шартномага асосан 2-илова

**Қарши шаҳри И.Каримов кўчасидаги Вилоят Спортини ривожлантириш  
бошқармаси худуди (308-уй)да машғулот зали биносини қуриш бўйича  
лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш  
С М Е Т А С И**

Буюртмачи: Қашқадарё вилоят Божхона бошқармаси  
Бажарувчи: « GRAND ARCH - RPROJECTS » МЧЖ

№	Ташкилот, қурилиш иншоотлари ёки иш турларининг тавсифи	Қурилиш учун лойиҳа (қидирув) ишлари нархлари тупламининг қисми № боби, жадвали банди	Қийматини ҳисоблаш ( $ax\theta$ )=c	Қиймати ҚҚС билан бирга
1	2	3	4	5
1	Қарши шаҳри И.Каримов кўчасидаги Вилоят Спортини ривожлантириш бошқармаси худуди (308-уй)да машғулот зали биносини қуриш бўйича лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирининг 2020 йил 19 августдаги 876-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби туғрисида»ги Низом ва ETender.UzEx электрон порталининг 95240 сонли лот рақами бўйичатақдим этилган баённомасига асосан	148 500 000	148 500 000
<b>ЖАМИ</b>				<b>148 500 000</b>

Бир юз қирқ саккиз миллион беш юз минг.  
(суз билан ёзилсин)

«GRAND ARCH - RPROJECTS» МЧЖ

Директори:



И.Тилавов